



**“АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЮТУҚЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”  
МАВЗУСИДАГИ IV ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**IV МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
«СОВРЕМЕННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ  
ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ»**



**ТОШКЕНТ / ТАШКЕНТ**

## IV Международная научно-практическая конференция

---

*Доктор медицинских наук, Хайдаров Н.К. (отв. редактор)*

*Доктор медицинских наук, профессор Ризаев Ж.А. (отв. редактор)*

*Доктор медицинских наук, профессор Рустамова Х.Е. (зам. отв. редактора)*

**Редакционная коллегия:** Шомуродов К.Э., Туйчибаева Д.М.,  
Нурмаматова К.Ч., Машарипова Р.Ю., Камилов А.А.

*Данный сборник состоит из материалов международной научно-практической конференции «Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения» состоявшейся 7 апреля 2022 г. в г.Ташкенте. Представленные в сборнике работы содержат материалы по актуальным вопросам здравоохранения, охраны здоровья населения. Представляет интерес для научных сотрудников и практических врачей всех областей, а также студентов бакалавриата и магистратуры высших медицинских учебных заведений. В сборнике представлены информации о состоянии здоровья разных стран, таких как Российская Федерация, Казахстан и другие.*

УДК: 614.2:61-084

ББК: 51.1л0я43

С-56

А-95

Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения  
Сборник трудов Международной научно-практической конференции

156 та бўлиб, улардан 7 таси (4,48%) гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2019 йилда оксидланувчанлик ва КББЭга олинган умумий намуналар 167 та бўлиб, улардан 5 таси (2,9%) гигиеник талабларга жавоб бермаган.

Хулоса. Юқорида олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкин, сувдан фойдаланиш жойларидаги сувнинг санитар кимёвий тахлил натижалари бўйича гигиеник талабларга жавоб бермаган намуналар 2018 йилга нисбатан 2019 йилда камайган, бу эса сув объектларни санитария муҳофазалашда илмий асосланган чора-тадбирларини қўллаш ва аҳоли ўртасида сув объектларига боғлиқ касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

### ТУПРОҚ МУҲИТИНИ ИФЛОСЛАНИШ ХОЛАТИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

**Искандарова Г.Т., Шерқўзиева Г.Ф., Курбаниязова М.О.,  
Асенбаева Т.А., Даулетбаева Н.Ю.**

*Тошкент тиббиёт академияси*

Тупроқ ташқи муҳитнинг асосий элементларидан биридир. Тупроқ қопламнинг ўзгариши турар жойларда яққол кўринмоқда, саноат корхоналари зич жойлашган худудларда тупроқ турли кимёвий элементлар, органик моддалар билан тўйинмоқда, хаттоки техника тараққиёти ернинг рельефининг ўзгартириб юбормоқда. Халқ хўжалигининг ҳозирги шароитда индустриалаш ва кимёлаштириш натижасида тупроқнинг ифлослантирувчи манбалар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Шуни таъкидлаш зарурки, тупроқнинг оғир металллар билан ифлосланиш манбалари асосан металл ишлаб чиқариш саноати чиқиндилари ва турли ёқилғиларнинг ёниш маҳсулоти, автомобил тутунлари ҳамда чиқинди газлар, қишлоқ хўжалигида ишлатадиган кимёвий ўғитлар ва бошқалардир. Оғир металллар тупроқ қатламига биоцидлар ва минерал ўғитлардан фойдаланганда ҳам тушади. Оғир металлларнинг тупроқ устида йиғилиши бир неча хил омилларга яъни асосан ифлослантирувчи манбанинг хоссаси, регионнинг иқлим шароити, геохимёвий омиллар ва умуман ландшафт шароитига боғлиқ. Оғир металллардан бири кўрғошин чанги тупроқ устига ўтириб, органик моддалар билан бирга тупроққа шимилади, сўнгра тупроқ эритмаси билан тупроқ қатламларига тарқалиши мумкин. Лекин у тупроқдан ташқарига жуда оз миқдорда чиқариб ташланади. Тупроқда кўрғошин бирикмаларининг кўпайиши микроорганизмлар, айниқса фойдали организмларнинг камайишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз аҳоли турар жойлар тупроқ муҳитини ифлосланиш даражасини текшириб тахлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: кузатув йилида селитеб минтақа тупроғидан намуналар олинди, шу жумладан пестицидларга 4 та, оғир метал тузларига 40 та, гельминт тухумларига 153 та намуналар олинган бўлиб, уларнинг барчаси гигиеник талабларга жавоб берган, аммо бактериологик кўрсаткичларга олинган 46 та намунадан 21 таси (45,6%) меъёрга жавоб бермаган. Болалар муассасалари ва

болалар майдончаси тупроғидан микробиологик кўрсаткичларга умумий 31 та намуна олинди, улардан 12 таси (67,7%) гигиеник талабларга жавоб бермади. Юқорида олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкин, аҳоли яшаш жойларидаги тупроқ муҳити микробиологик жиҳатдан ифлосланган, айниқса болалар муассасалари ва болалар майдончаси тупроғидан микробиологик жиҳатдан, пестицидлар, оғир метал тузлари, гельминт тухумлари бўйича гигиеник талабларга мос келади.

### COVID-19 ТАҚСИМЛАШ МАРКАЗЛАРИДА БЕМОРЛАРНИ ОВҚАТЛАНИШИ

Камилов А.А., Турахонова Ф.М., Гренадерова С.

*Тошкент давлат стоматология институти*

Ҳозирги вақтда дунёнинг барча мамлакатларида коронавирус пандемиясининг асоратлари ҳали ҳам сезилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, 2020-2021 йилларда Covid-19 касаллигига чалинган беморларга шошилиш ёрдам кўрсатишда Тошкент шаҳрида ҳамда кўп вилоятларда қисқа вақт ичида ташкил қилинган Тақсимлаш марказлари алоҳида ўрин эгаллаб, ушбу муассасаларида юқори малакали ёрдам кўрсатилган. Тақсимлаш марказлари етарлича замонавий диагностика асбоб-ускуналари, дори-дармонлар ҳамда кислородли концентраторлар ва бошқа керакли мулк билан таъминланиб беморларга самарали ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Шу билан бир қаторда, мазкур Тақсимлаш марказларда беморларни овқатлантиришини ташкил қилишда айрим қийинчиликлар рўй берган эди.

Мисол тариқасида, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган Covid-19 тақсимлаш марказларида овқатланиш жараёни асосан хусусий овқатлантириш тармоқлари томонидан шартнома асосида уюштирилган, аммо беморлар иммунитетини кўтарадиган даволаш чораларининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланадиган парҳез овқатланиш деярлича йўлга қўйилмаган ва диетолог шифокорлари ёки хамширалари томонидан ушбу жараён устидан назорат ташкил қилинмаган.

Маълумки иммун тизимини мустаҳкамлашда витаминга бой бўлган озиқа маҳсулотлар ўрни беқиёс, шу сабабли барча касалликларни даволашда овқатланишга алоҳида эътибор берилгани каби Covid-19 касаллигини даволашда ҳам беморлар таомномасига катта эътибор берилиши уларни тезроқ даволанишида муҳим ўринни эгаллайди. Олимлар фикрича юқори нафас йўллари респиратор касалликларини олдини олишда А, С, D, E, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub> ва B<sub>12</sub>, фолик кислотаси каби витаминлар ва минерал моддалардан темир, селен ва рух моддалари билан таомларни бойитиш профилактик чора-тадбирларда катта аҳамиятни касб этади. Витамин D етишмовчилиги респиратор инфекцион касалликларни кўпайишида ҳам муҳим омил ҳисобланади. Юқумли касалликларни даволашда ва олдини олишда Певзнер парҳез столлари ичида 13-парҳез столи бўйича таом тайёрлаш ва беморларга тарқатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 13-парҳез столда таомлар енгил қайнатма ва



- ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ КРУПНЫХ КАНАЛОВ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ*  
Искандарова Ш.Т., Хасанова М.И., Усманов И.А. 135
- СУВ ҲАВЗАЛАРИ СУВИ СИФАТИНИ ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИК ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ*  
Искандарова Г.Т., Шерқўзиева Г.Ф., Курбаниязова М.О. 141
- ТУПРОҚ МУҲИТИНИ ИФЛОСЛАНИШ ХОЛАТИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ*  
Искандарова Г.Т., Шерқўзиева Г.Ф., Курбаниязова М.О., Асенбаева Т.А., Даулетбаева Н.Ю. 142
- COVID-19 ТАҚСИМЛАШ МАРКАЗЛАРИДА БЕМОРЛАРНИ ОВҚАТЛАНИШИ*  
Камилов А.А., Турахонова Ф.М., Гренадерова С. 143
- АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОЙ РАЗВЕДКИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ*  
Камилов А.А., Турахонова Ф.М. 145
- СОПОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИДА ЧАНГ - ЕТАКЧИ ЗАРАРЛИ ОМИЛ СИФАТИДА*  
Курбанова Ш.И., Юлбарисова Ф.А., Сабитов М.А. 148
- ОКРАШИВАНИЕ И ОТБЕЛИВАНИЕ ТЕКСТИЛЬНОГО ВОЛОКНА КАК ИСТОЧНИКИ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ВОЗДУШНОЙ СРЕДЫ НА ТЕКСТИЛЬНОМ ПРОИЗВОДСТВ*  
Маматкулов Ж.Г. 149
- ВЛИЯНИЕ ФАКТОРОВ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ У ДЕТЕЙ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМ РИНИТОМ*  
Манасова И.С. 150
- ПАНДЕМИЯ ПАЙТИДА ИММУНИТЕТНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ*  
Махмудова М.Х., Баратова Р.Ш. 152
- ИЗБЫТОЧНЫЙ ВЕС И ОЖИРЕНИЕ*  
Махмудова М.Х., Камилова А.Ш. 153
- ДЕЗИНФИЦИРУЮЩИЕ СРЕДСТВА, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ В ЛЕЧЕБНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ГОРОДА САМАРКАНДА И РИСКИ ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ, КОНТАКТИРУЮЩИХ С НИМИ*  
Наимова З.С., Бобокулова А.А. 158
- ПАРРАНДАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИШЧИЛАР НАФАС АЪЗОЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНИК*